

## Машҳур футболчи Садио Маненинг жавоби



14:26 / 17.01.2022 4697

Камерунлик сеҳргар Сенегал миллий терма жамоаси сардори Садио Мане Камерунда бўлиб ўтадиган Африка Миллатлар кубогида иштирок этса, юрак хуружидан вафот этишини «башорат» қилган эди.

Унинг бу иддаосига жавобан: «Ўлим фақат Аллоҳнинг қудратида деган ишонч билан улғайганман. Мен одатда футбол ўйинида қатнашман. Агар юрак хуружига учраб, майдонда жоним узилса, бу сеҳргар фақат Аллоҳнинг амрининг ижобати учун восита бўлади, холос. Шу сабабли унинг дўқ-пўписаларига, ёлғонига алданиб қолманг», дея таъкидлаган Садио Мане.

Ҳозирда футболчи турнирда иштирок этмоқда. Чунки у бутун ҳаёти Роббисиники эканига иймон келтирган.

Эслатиб ўтамиз, Камерунда бўлиб ўтган Африка Миллатлар кубогида Сенегал терма жамоаси Зимбабве миллий терма жамоасига қарши майдонга тушиб, 1:0 ҳисобидаги ғалаба билан ўйинни бошлаган эди. Ягона гол учрашувнинг 97 дақиқасида киритилди. Гол Мане томонидан амалга оширилди.